

**Маҳкумнинг ҳаракатларини квалификация қилишда суд жиноят қонуни нормасига ўзгартириш киритилганлигини ҳисобга олмаган.**

Зомин туман суди томонидан А. ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а,б» бандлари билан судланган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳукмга кўра, А. муқаддам ўғрилик жинояти учун судланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, С.нинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, унинг уйига дераза орқали кириб, уйдан жами 113.300 сўмлик уй-рўзғор анжомларини ўғирлаб кетган.

Жиззах вилоят суди раёсатининг 2003 йил 27 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳукми ҳамда апелляция инстанциясининг ажрими ўзгартирилиб, А.нинг айбидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «б» банди чиқарилган.

Раёсат қарорида кўрсатилганидек, А.нинг ҳаракатларини ЖК 169 моддасининг 3- қисми «б» банди билан квалификация қилишда судлар ушбу моддага 2001 йил 29 август куни киритилган ўзгаришларни ҳисобга олмасдан, хатога йўл қўйишган.

ЖК 169-моддаси диспозициясининг янги таҳририга кўра, уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, ўғирлик содир этиш жинояти шу модданинг 2-қисми «г» бандида назарда тутилган.

Бундай ҳолда ЖК 33-моддаси талабидан келиб чиқиб, А.нинг барча ҳаракатлари ЖК 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан тўлиқ қамраб олинади.